



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING ҮН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз иш-ни давом эттирди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунини сенаторлар асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқишдан бошлади.

Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, «Судлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Оила, Жиноят кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ тайёрланган.

Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар судлар фаолиятини, шу жумладан, суд кадрларини танлаш, тайёрлаш ва лавозимларга тавсия этиш тизимини янада такомиллаштиришга, суд органлари ходимлари учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайлов бўйича сайлов қонунчилиги ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва улардаги партия гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, шунингдек, чет элдан инвестициялар жалб этишни ва мамлакатда инвестиция муҳитини янада рағбатлантириш, Ўзбекистон ҳудудидан чет эллик инвесторлар фаолияти учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қайд этилганидек, киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ бўлган гоёт муҳим вазифаларини ҳал қилишдаги ролини янада кучайтиришни, аҳолининг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишни назарда тутди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асосий принциплари ва қоидаларини ифода қилган, Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини қўриб чиқди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Респуб-

ликаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқди.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқди. Мухомама вақтида таъкидланганидек, Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасида расмий ташрифи вақтида 2013 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳрида икки давлат бошликлари томонидан имзоланган мазкур Шартнома Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дўстона алоқалар, стратегик ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий, транспорт, энергетика, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини, уларни рўёбга чиқариш механизмларини белгилаб беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақида»ги Баённомани (Минск, 2013 йил 31 май) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам қўриб чиқди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни қўриб чиқди.

Мухомама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун қўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишнинг қудратли омилига айланади.

Қонун тартибидида масалаларни муҳома қилиш вақтида сенаторлар мамлакатда амалга оширилган ислохотларнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг, инсонпарварлик гоёларини ҳаётга татбиқ этиш учун замон талабига қўра, янги қонунлар қабул қилинишининг, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатини, фаол ижтимоий шериклини таъминлашнинг, молиявий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизимларининг асосларини мустаҳкамлашнинг алоҳида аҳамиятга эгалигини яқдллик билан таъкидлади.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонунлар ва қабул қилинган қарорлар давлат раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз иш-ни тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ЎзХДП: устувор вазифалар

Эзгу мақсад ва гоёлар

зиммамизга катта масъулият юклайди

ЎзХДП Марказий Кенгаши партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг устувор вазифалари» мавзусида семинар ўтказди.


Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республика, Тошкент шаҳар ва вилоятлар партия кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, жамоатчи экспертлар, олимлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш масалалари муҳомама этилиб, ундан келиб чиқадиган устувор вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Соғлом бола йили»да партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш

юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

(Давоми 2-бетда.)



Ижроқўм йиғилиши

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ижроқўм аъзолари, Марказий Кенгаш масъул ходимлари, минтақавий партия кенгашлари раислари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди ва 2011-2014 йилларга мўлжалланган Харажат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлар таҳлил этилди. Партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги де-

путатлик гуруҳлари, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоларининг фаолиятини такомиллаштириш, минтақавий ва маҳаллий партия кенгашлари ахборот-маърифат хоналарининг ресурс базасини бойитиш, шунингдек, Ўзбекистон ХДП марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2014 йил учун обунанинг бориши ҳақидаги ҳамда бошқа масалалар муҳомама этилди.

Ижроия қўмита қўриб чиққан барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.

Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилган эдим

Масала ижобий ечим топди

Бунда партиямизнинг Зафаробод туман кенгаши, депутатларининг ёрдами катта бўлди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши қошида Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатаётгани билан эдим. Лекин унга бирон-бир масалада мурожаат қилмагандим.

Ҳаёт бир текис кечмас экан. Турли-туман масалаларга дуч келиб, уларни ўз кучин билан ҳал этолмагач, кимнингдир ёрдами, қўллаб-қувватлашга эhtiёж сезаркансан.

Йил бошида менинг бошимдан шундай савдо ўтди. Оилавий шароитимдан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдам сўраб, тегишли идораларга бордим. Афсуски, мутасаддилар турли баҳона-сабабларни рўқча қилиб, ма-

салани ҳал этишни пайсалга солишди. Қайта-қайта бордим, натижа бўлмади. Сўнг Жамоатчилик қабулхонасига келдим. Мени туман партия кенгаши раиси Холмурод Ережонов қабул қилди. Батафсил сўхбатладим. Унга масаланинг моҳиятини айтдим, партия аъзоси, электрорат вакили сифатида ёрдам сўрадим.

Орадан ўн беш кун ўтди. Бу муддат ичида партия фаоллари, депутатлар мутахассислар билан ўлимга келишди. Оиламизнинг ҳақиқатан ҳам моддий ёрдамга эhtiёжманд эканига ишонч ҳосил қилишган, масаланинг қишлоқ фуқаролар йиғинида қайта қўриб чиқилиши ва белгилан-

ган тартибда моддий ёрдам ажратилиши бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашди.

Мана, оилавий шароитимиз бирмунча яхшиланди, партиямиз фаоллари аҳоли-миздан мунтазам хабар олиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келишяпти.

Айтишим керакки, аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган, муаммоларини ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатаётган сиёсий партиянинг аъзоси эканимдан фахрланаман.

Муксар ҲАМИДОВА,
Зафаробод тумани
Чимкўрган қишлоғи.

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Васийлик ва ҳомийлик муносабатлари такомиллашиши

Болалар ҳуқуқлари таъминлини, ижтимоий ҳимоя таъминлини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади



«Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантикий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намоёндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда».



O'ZBEKISTON OVOZI

— хилма-хил фикрлар минбарчи,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари иштирокида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган гоёлар, уларнинг мазмун-моҳияти тарғиботида бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.



Санжар ШОТЎЛАНОВ ошган суратлар.

ЭЗГУ МАҚСАД ВА ҒОЯЛАР Зиммамизга катта масъулият юклайди

ЎзХДП: устувор вазифалар

**Хотамжон КЕТМОНОВ,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши раиси:**

— Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз томонидан илгари сурилган тараққиётнинг беш таъминоти асосида амалга оширилган ислохотлар самараси тўқин ва фаровон, оқилоллик ҳаётимизда ўз аксини топаётти. Энг муҳими, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллиги, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича бир қанча ютуқларга эришилди.

Мамлакатимизда ҳар бир йилга ном берилиши ва махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши аниқ мақсадга йўналтирилган ислохотларни янада чуқурлаштириш, ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда муайян соҳани модернизация қилишга асос бўлмоқда.

2014 йил мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб бу соҳада қилинаётган кенг қўламли ишларни изчил давом эттириш ҳамда янада юксак босқичга кўтаришга, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга мустаҳкам замин яратди.

Президентимиз маърузасида билдирилган эзгу мақсад ва илгари сурилган ғоялар, вазифалар фаолиятимизни ана бир бор танқидий-таҳлилий ўрганиб чиқиш, партияимизнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, мамлакат ҳаётидаги турли ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан унинг аниқ позициясини шакллантириш борасидаги ишларимизни янада такомиллаштиришимиз зарурлигини талаб этади.

ЎзХДПнинг ҳар бир депутатлик гуруҳи жойларда қонунлар ва бошқа давлат қарорлари бажарилишини депутатлик назорати тартибидеа ўрганиши, улар асосида турли ижтимоий масалаларни сессия ёки доимий комиссиялар муҳокама қилиш кiritиш борасида ташаббус кўрсатиши, маҳаллий Кенгашда тегишли давлат органлари мансабдор шахсларнинг ижтимоий масалалар бўйича ҳисоботлари эшитилиши билан таъкидлаш ишлари эълон қилиниши зарур.

Келгуси йилнинг январь ойидан кечикмаган ҳолда Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар, барча туман ва шаҳар партия кенгашлари ижроия кўмиталарининг маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз депутатлик гуруҳлари иштирокида ўтказилаётган кенгайтирилган кўшма йиғилишларида депутатлик бирлашмалари ташаббускорлигини ривожлантириш бўйича амалий ҳаракат режаларини қабул қилиши зарур. Режаларимизда «Соғлом бола йили»да амалга оширилаётган асосий устувор йўналишлар кенг қамраб олиниши керак.

Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари «Соғлом бола йили» мазмун-моҳиятини тарғиб этиш ишларини ҳар бир маҳалла, мавзеда тизимли асосда ташкил этиши керак. Бунда партияимиз ўз электроти манти

фаатларига оид иқтисодий, ижтимоий, сиёсий масалалар бўйича позициясини тушунтириш ишлари ҳам биргаликда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга.

**Улугбек ВАФОВЕВ,
Олий Мажлис**

**Конунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари:**

— Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Юртбошимиз амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар экан, аввало, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз, реал воқеликдан ўзилиб қолмаслигимиз зарурлигини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам қилган ишларимиз, эришган ютуқларимиз салмоғи катта. Лекин олдимида турган вазифалар ҳам ҳали жуда кўп.

Маърузада Олий Мажлисининг ролини янада кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларни ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Бугунги кунда қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўриб чиқиш, қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ҳамда сиёсий партияларнинг фракцияларига жуда катта имкониятлар берилган. Қонунчилик палатасида фракцияларнинг фикр ва тақлифларини ҳисобга олмасдан туриб биронта ҳужжат қабул қилинмайди. Фракциямиз ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Барча Қонун ҳужжатлари бўйича электротимиз манфаатлари билан боғлиқ тақлифлар киритиб келаямиз.

Шу ўринда айтиш керакки, энг муҳим ишларимиздан бири — бу аҳоли, партия электроти ўрта-сида қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш амалиётини янада такомиллаштиришдир. Бу қабул қилинаётган қонунларимиз халқчил бўлиши, партия электроти манфаатлари чуқур фойдаланишига хизмат қилади.

Фракциямиз қонун лойиҳаларини электротат орасида муҳокама қилишда албатта партия ташкилотларига таянади. Биз парламент куйи палатасидаги бошқа сиёсий партияларнинг фракцияларидан фарқи равишда, ҳар йили битта ёки иккита масалани Парламент эшитувига киритмоқдамиз. Бунга қандай эришяпмиз? Албатта, бу жараёнда депутатларимизнинг салоҳияти ва ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Лекин асосийси олиб қилинаётган масалалар аввало мансабдор партияимизнинг куйи бўғинида, халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида, уларнинг ташаббуси билан доимий комиссиялар мажлислари, сессияларда муҳокама қилинмоқда. Шундан сўнг биз ушбу масалани Парламентга олиб чиқмоқдамиз. Ўйини, жойларда партияимиз фаолларининг сайй-ҳаракати билан қилинган ишлар фракциямиз ташаббуслари учун

муҳим асос бўлаяпти.

Биз Парламент эшитувида нафақат муаммоларни кўтараямиз, балки уларнинг ечими киритаямиз. Демак, мана шу амалиётни янада фаоллаштиришимиз керак бўлади.

**Гулчехра МАТКАРИМОВА,
Республика Маънавият
тарғибот маркази эксперти,
юридик фанлар доктори:**

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу эзгу мақсад муҳассам.

Келгуси йил олдимида турган вазифалар қўламли ҳар биримиздан ишга янада катта масъулият билан ёндашишни, соғлом авлод тарбияси йўлида бор куч-гайратимизни ишга солиб меҳнат қилишимизни талаб этади. Бу жараёнда сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳлари фаолияти кучайиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳусусан, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ҳамда тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Шунингдек, олис туман ва қишлоқларда ҳам демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар бўйича давра суҳбатлари ўтказиб, ҳаётий мисоллар асосида жонли мулоқот, муайян масалаларни очик муҳокама этишни кўпроқ уюштириш керак. Бундай тадбирлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш жараёнида фуқаролар иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади.

**Олим РАВШАНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят
кенгаши раиси, халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги
депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Халқимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда ҳар жихатдан соғлом ва баркамол авлодни ўлғайтириш эзгу интилишларимиз асосини ташкил этади. Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз келгуси йилда давлат ва жамият олдимида турган асосий вазифаларга алоҳида тўхталиб, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланишига лозимлигини таъкидлади. Демак, 2014 йилда олдимида турган вазифалар қўламли кенг. Бу жараёнда асосий эътибор партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросига қаратилмоғи керак.

Ўтган йиллар давомида Ҳаракат дастури асосида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан электротат манфаатларига қаратилган 50 га яқин масала сессия ва доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилди. Аҳамиятлиси, бу орқали маҳаллий ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилган ишлар, ҳудуд-



лар тараққиётга хизмат қилувчи дастурлар ижросини тегишли тартибда таҳлил қилишга эришиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Энг муҳими, ҳар бир амалий ишмиз электротатнинг ҳаёт сифати янада юксалишига хизмат қилади.

Айни кунда 2014 йилда фаолиятимизни талаб даражасида ташкил этиш бўйича партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ўз тақлифларини билдиришмоқда. Шу асосда ижтимоий аҳамиятга эга, аниқ натижаларга қаратилган мақсадли тадбирларни мазмунан бойитиш, ҳусусан, маҳаллий ресурслар вазисига амалга оширилаётган қўшимча инвестицион лойиҳаларни шакллантириш, ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда оналар ва болалар саломатлигини асрашга қаратилган ишларни кучайтириш, бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини такомиллаштиришни режалаштираямиз.

**Дилором АБДУРАХИМОВА,
ЎзХДП Наманган вилоят
кенгаши раиси:**

— Мамлакатимизда сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган ислохотларнинг изчиллиги билан ҳаётга таътиб этилиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётти. Бугунги кунда Наманган вилоятида ЎзХДПнинг 33 минг 900 нафардан зиёд аъзоси бор. Улар 746 бошланғич ташкилотга бирлашган. Аъзолар билан самарали ишлаш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш масалалари доимий эътиборимизда.

Президентимиз маърузасини диққат билан ўқиб чиққан, зиммамизда жуда катта вазифалар турганини англадим. Биз эришган муайян ютуқларимиздан хотиржамликка берилмай, ўз фаолиятимизга танқидий ёндашишимиз талаб этилади. Партияимизнинг ташкилий тузилмаси, ташкилий салоҳиятидан электротатимиз манфаатларини ҳимоя қилишда янада самаралироқ фойдаланишимиз лозим.

Шунингдек, ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда партияимиз барча тузилмалари иштирокини янада кучайтириш зарур. Партияимизнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари бу борада фақат дастур бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билангина чекланмаслиги керак, деб ўйлайман. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож, вақтинча ишсиз фуқаролар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этиш бўйича амалий чоралар кўришда янада кўпроқ қатъият кўрсатиши талаб этилади.

Семинарда партия фаоллари, шунингдек, «Соғлом бола йили»да солиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларида уй-жой, ижтимоий инфратузилма билан бирга болалар спортини ривожлантириш масалаларида депутатлик гуруҳларининг амалий иштирокини кучайтириш муҳимлигини таъкидлашди. Бунинг учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш, бу борада муҳоли тақлифлар билан чиқиш зарурлиги қайд этилди.

**Бекзод ШУКУРОВ,
Лазиза ШЕРОВА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркеклар;
 - г) чет давлат фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қилмаган оғир касалликларга қалинган деб топиладиган шахслар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидеа тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.
7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:
 - а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга

ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига;

- б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:
 - а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта ҳавфли рецидивист деб топиладиган; жиноий уюшма таркибидеа жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибидеа озодликдан маҳрум қилиш тартибидеа жазога алмаштирилган шахсларга;
 - б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;
 - в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидеа тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

- г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорини қўлланиш тартиб-таомилларининг очик-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар қорусининг бевоқифа иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 декабрь.**

И.СОБИРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Раҳимжон Обидович **Обидов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — ҳарбий ҳайъат раиси этиб сайлансин.
2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:
Ботирали Муродович **Диёров**
Талъатжон Бахтиёрович **Мелибоев**
Азизахон Нумановна **Нажмутдинова**
Қахрамон **Улжаев**.
3. Куйидагилар бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин:
Муроджон Кодирович **Мирзажонов**
Икрам Тухтамуратович **Муслимов**
Турабек Турсунбекович **Раҳманов**
Арислан Усманович **Усманов**.
4. Темура Тельманович **Раҳматов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2013 йил 13 декабрь.**

И.СОБИРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНинг РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бахтиёр Хасанович **Абдусаматов** Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2013 йил 13 декабрь.**

И.СОБИРОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Пойтахтимизда «Камолот» шахмат тахтаси» VI аънавий республика турнирининг финал босқичи якунланди.

6-12 ёшли ўғил-қизлар ўртасида сирдарёлик Бобур Эшбоев олтин, сурхондарёлик Мухаммадали Абдурахмонов кумуш ва хоразмлик Журбат Болтаев бронза медалини қўлга киритди.

Суратда: турнирдан лавҳа.

Мухаммад АМИН (ЎЗД) олган сурат.

«Бахт уйи»

фойдаланишга топширилди

Бойсунда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллиги арафасида замонавий янги «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. Бунинг учун давлат бюджетидан 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ёшларни оилага тайёрлаш, оила қонунчилигини мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида га-

пирдилар.

— «Бахт уйи»нинг очилиш маросимида оила қурганимиз бир умр ёдимиздан чиқмайди, — дейди Руслан Ақиллов. — Келажакда бу маскан туманимиздаги барча ёшларнинг энг муқаддас ва севимли жойларидан бири бўлиб қолади.

— Оила — дунёдаги жамки эзгу умидларнинг олтин бешигидир, — дейди Бойсун туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими раҳбари Нилуфар Тўраева. — Соҳамиз фаолиятини янада тақомиллаштириш ва фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун давлатимиз томонидан шундай қулай шарт-шароитлар яратилаётганидан мамнунмиз.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«101» огоҳлантиради

Қишининг дастлабки кунларида содир бўладиган ёнгинларнинг аксариятига хазон ва чиқиндиларни ёқиб юбориш сабаб бўлмоқда. Айрим ҳамюртларимиз хазонларни ёқиб, шахримиз экологиясига, одамлар саломатлигига путур етказаятганликлари тўғрисида ўйлаб кўришмаяпти.

Ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал, албатта. Бундай кўнгилсиз воқеалар ўз-ўзидан эмас, балки кимнингдир айби билан содир бўлади. Ёнгинлар кўпинча оловга эҳтиётсизлик билан муносабат-

Эҳтиёт бўлган яхши

да бўлиш, сигарета қолдиқларини дуч келган жойга ташлаш, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари, чиқинди ва хазонларни ёқиб, газ ва электр асбобларидан фойдаланганда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқмоқда.

Пойтахтимиз муҳандис-назоратчилари содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли, талаба-ёшлар орасида тарғибот-

ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Ўтказилаётган тадбирларда ёнгиннинг олдини олиш учун нима қилиш кераклиги, ўт билан ўйнашнинг оғир оқибатлари мисоллар билан тushунтирилмоқда. Баъзан кичик эйтибдорлик оқибатида катта ёнгинлар келиб чиқади. Хушёрлик ва эҳтиёткорликка амал қилинса, кўнгилсизликлар содир бўлмайди.

Убайдулла УТАБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
12-ЎХО кичик инспектори.

ЮРТ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Андижон вилоятида бўлаётган ўзгариш ва янгиликлар, воҳа иқтисодий салоҳиятини янада оширишда «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Андижон вилоят бошқармаси жамоасининг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.



реклама ўрнида

Банкнинг Андижон вилоят бошқармаси томонидан миқозларга кўрсатилаётган тезкор ва сифатли банк хизматлари ҳудуд иқтисодиётининг ўсишига, муқим иш ўринлари яратилишига, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Бошқарма ва унинг филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий ёрдам қўллашга алоҳида эътибор қаратилиб, барча молиялаш мақсадида жорий йилнинг ўтган йили 1 ноябрь ҳолатига кўра акциядорлик кредит маблағлари ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 175 фоизга ўсди. Бунинг самараси ўлароқ жойларда жами уч мингта яқин иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган йили давомида вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга жами 10

миллиард 300 миллион сўм ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга эса жами 6 миллиард 400 миллион сўм кредитлар йўналтирилди.

Банкнинг Олтинқул туман филиали мижози «Уйин» таъминот тайёрлов корхонасига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 88 миллион сўм миқдорда кредит ажратилиб, бунинг натижасида корхонада ўнга яқин янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг кўпчилиги битирувчиларидир. Касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашда «Агробанк» Андижон вилоят бошқармаси томонидан кўпгина хайрли ишлар қилинмоқда. Айниқса, ўз истикболли бизнес лойиҳалари билан банкка келаётган битирувчиларга кўрсатилаётган молиявий кўмак эътиборга моликдир.

Жумладан, Избоскан туманидаги «Янги замон либослари» оилавий корхонаси раҳбари, кол-

леж битирувчиси Хожияхон Бахтиёржоновга жорий йил май ойида чеварчилик фаолиятини йўлга қўйиши учун 15 миллион сўм, шуниингдек, шахрихонлик Исроилжон Отажоновга банкка тақдим қилган тикувчилик бизнес лойиҳаси учун 19 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Банк бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик ҳамда балиқчилик тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун жорий йилнинг ўн ойида жами 8 миллиард 693 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилган. Бу молиявий кўмак натижасида ҳудудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортди.

Шуниингдек, банк томонидан вилоятда интенсив боғлар барпо этишга 882 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилган. Марҳамат туманидаги «Меърож» фермер хўжалигига жорий йилнинг февраль ойида интенсив боғ яратиш учун ажратилган кредит эвазига сархил мевадари боғ барпо этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, «Агробанк» ОАТБ Андижон вилоят бошқармаси жамоаси ўз миқозлари талабини қондириш ва сифатли хизмат кўрсатиш орқали уларнинг ишончини тобора мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁМОНДАН ҲАММА БЕЗОР...

Одам боласи одатда йигирма беш ёшгача ўқийди, ҳунар ўрганади, оила қуради. Бир сўз билан айтганда, келажакка пойдевор яратади. Ҳалол меҳнат билан пул топиб, ширин турмуш кечиришга не етсин. Аммо шундай кимсалар ҳам борки, меҳнатга бўйни ёр бермай, эгри йўللар орқали осон пул топишни ўзига касб қилиб олади. Ҳатто ўғрилиқ қилишдан ҳам ор қилмайди.

Бўстонлик тумани Соёлиқ қишлоғида яшовчи Жўрабой Авазов ўсмирлик пайтида қоқ ўқиб, касб ўрганиш ўрнига ўғрилиққа қўл урди. Вақтида уни ҳеч ким йўлдан қайтармади. Кейинчалик эса унга ҳеч гап тасир қилмайдиган бўлиб қолди. Дастлаб кимнингдир товуғини ўғирлади, сўнгра қўй, қорамол ўғирлашни одат қилди. Жиноят жазосиз қолмайди, албатта. У бир неча бор судланиб, қамоқда ўтириб чиқди. Афсуски, хулоса чиқармади, тавбасига таянмади. Қайси маҳаллага кирмасин, кимнингдир молини, мулкни ўғирлаб кетишни одат қилди. Охир-оқибат бутун қишлоқ ундан безор бўлди.

Ҳеч ким уни на тўйга, на маъракага чақирмай қўйди. Ҳатто саломлашишга ҳам ор қиладиган бўлишди. Ўғрилиги етмагандек у одамлар билан жанжаллашиб, сўнг даъво қилиб пул ундиришга ҳам ҳаракат қилиб кўрди. Жўрабой ўғрига қўл кўтаргани учун ёш бир йигитнинг иши тер-

говга ўтди. Институтдан ҳайдалди, ҳаёт йўли ўзгариб кетди...

Шу кунгача Жўрабой етти марта судланган. Хавфли рецидивист. Ҳозирги кунда ҳам жиноят содир этганлиги учун жазо муддатини қаттиқ тартиб олишга ўтмоқда. Чунки у шу йил 12 июнь кун Соёлиқ қишлоғида бузоқ ўғирлаб, ўзининг хонадонига сўйган вақтида бузоқ эгаси Хуршида Ражамова гумон қилиб келиб қолади.

Агар меласа-пелисага айтсанг, ўлдираман, — деб Жўрабой жабрланувчига ташланади. Хайриятки, жиноятчи ниятига ета олмади. Воқеа жойига аёлнинг турмуш ўртоғи келиб қолади. Суриштирув ва тергов жараёнида у қилган жиноятини тан олди. Суд уни саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Юқорида қайд этилганидек, Жўрабой Авазов етти марта судланган. У ўзининг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари билан маҳалла-қўйни кўп ташвишга солган. Бўстонлик тумани Соёлиқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Кичик сой» маҳалласи аҳли уни кўчириб юборишга ҳам ҳаракат қилиб кўришган. Афсуски, Жўрабой ўғрилигини ташламади. Ўзини қўлга ололмади. Яна қамалди.

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмади, албатта. Аммо эгри йўлга кирган болага, ўсмирга ўз вақтида чора кўрилмаса, у жиноят ботқоғига ботиб кетиши, нафақат ёшлиги, балки умри хазон бўлиши мумкинлигини Жўрабойнинг фожиаси айланган ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Эгри йўлнинг охири ҳеч қачон яхшилик билан тугамайди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta offset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246
10247
nuxxada
bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4